

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 31 (66260)
2000 йил 3 август, пайшанба

Сотувда эркин нархда



ВАТАНИМИЗ - ОНАМИЗ!

Шеърни ёд олинг

Ватан асли маҳалла, остонадин бошланар,
Киндик қонинг тўқилган нурхонадин бошланар.
Онажонинг ағласи, таронадин бошланар,
Униб-ўсган маконинг, кошонадин бошланар.
Азиз она табиат, дурдонадин бошланар,
Тўй, маърака, суҳбати жононадин бошланар.
Ватан Она сўзига оҳангдошдир, эй фарзанд,
Эгизакдир туғишган, жарангдошдир, эй фарзанд.
Ажралмасдир, бутундир, жон туташдир, эй фарзанд,
Ватандин айрилганинг бағри тошдир, эй фарзанд!
Айро тушсанг Ватандин, кўнглинг ғашдир, эй фарзанд,
Эслаганда Ватанни кўзинг бехос ёшланар!
Иймони бут, мустақкам инсонларда ҳамиша,
Элига фидойи қиз-ўғлонларда ҳамиша.
Юрт байроғин ўпган он, замонадин бошланар,
Ичган аҳду қасами, паймонадин бошланар,
Шунга монанд мардона, дадил қадам ташланар!
Ватаннимиз - онамиз, биз ишқида ёнамиз,
Эртаю кеч қошида жон фидо, парвонамиз!

Искандар РАХМОН.

БАЙРАМ ҚАДРИ

1991 йил 1 сентябрда ота-боболаримизнинг энг катта орзуси ушалди, республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритди. Ўшанда мен 5 ёшда эдим. Катталарнинг, бува ва бувиларимнинг севинчлари боисини унчалик тушунмагандим. Энди-энди бу байрамнинг қадр-қимматини, моҳиятини англаб етаяпман.

Ақромжон бобом урушда қатнашганлар. Жанг майдонларида қон кечиби, неча бор ўлим билан юзма-юз келганлар. Шундан бўлса керак, ҳаётни, тинч, фаровон турмушимизни, айниқса, истиқлол байрамини жуда қадрлайдилар. Биз набираларининг ёшлиқданоқ пухта билим олиб, комил инсонлар бўлиб улғайишимизни орзулайдилар.

Биз Ўзбекистон фарзандларимиз, демакки, юртимизнинг келажаги, эртанги куннинг эгаларимиз. Шундай ажиб диёрда камол топаётганимиздан фахрланамиз. Юртбошимиз «... ёшларимизни ҳеч кимга бермаймиз» деганларида дилимизда фахр-ифтихор туйғуси жўш уриб кетди. Биз ҳам она юртимизни ҳеч кимга бермаймиз, халқимизга, юртбошимизга муносиб ўғил-қиз бўлишга ваъда берамиз. Бунинг учун эса барча шарт-шароитлар муҳайё, имкониятлар етарли.

Улуғбек АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳридаги
169-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

-Dilafruz, ta'tailda qanday dam oldingiz?

Yaxshi dam oldim. Uyda ayajonimga qarashdim. Uy supurishni, changlarni artishni

yaxshilab o'rganib oldim. Dugonalarim Hilola,

Dilafruz IBRAGIMOVA. Yoshi ettida. Farg'ona viloyati, Uchko'prik tumanidagi 1-umum ta'lim maktabining 2-sinf o'quvchisi. Oilada dadajonisi va oyijonisining yagona farzandi.

Dilafruz ta'tilda dadajonisi bilan Toshkentga dam olgani kelibdi. U bilan bo'lgan suhbatimizni sizning e'tiboringizga havola qilmoqdami.

- Yo'q, Toshkentga o'zgina vaqtga keldik. Ayamlar uyda qoldilar. Ularni juda sog'indim. Biz dadam bilan amakimlarimning bordik. Amakimimizni boqqa olib chiqdilar. U yerda amakimning qizlari Dilnoza va Diyoralar bilan o'ynadim. Yana meni dadamlar Toshkentning chiroyli joylariga olib bordilar. Go'zal favvoralarni ko'rganimda ularga

havasim keldi.

-Bundan chiqdi shahar sizga yoqibdi-da?

- Albatta, yoqdi.

-Uyga borganingizda ayangizga nimalarni so'zlab berasiz?

- Ayajonimga shaharning kengligini, chiroyliligini, katta-katta binolarini, istirohat bog'larini, yana yaxshi odamlari haqida gapirib beraman. Keyingi ta'tilda kelganimizda ayamni ham olib kelamiz.

-Dilafruz, katta bo'lganingizda kim bo'lmoqchisiz?

-Katta bo'lsam tikuvchi bo'laman. Ayamga, dugonalarimga ko'ylaklar tikib beraman. Men tikkan ko'ylaklarni kiyib ochilib-sochilib yurishsin.

-«Tong yulduzi» orqali

tengdoshlaringizga nima demoqchisiz?

- Yaxshi, odobli bo'lishsin. Dadalari va ayalarini hurmat qilishsin. Ular chaqirganida yugurib borib, aytganlarini qilishsin. Maktabda yaxshi o'qishsin.

-Raxmat, Dilafruz. O'zingiz ham aqli, xushmuomala va katta qiz bo'ling.

GULYUZ suhbatlashdi.

Mahliyo, Nilufar va Muhayyolar bilan qo'girchoq, ko'ptok o'ynadik. Arg'imchoqlar uchdik.



-Dugonalaringiz ko'p ekan. Ularning orasida eng yaqini «chin dugona»ngiz kim?

- Eng yaqin dugonam Nilufar. Biz u bilan hecham urushmaymiz. Doim bir-birimizga yordam beramiz. Men Nilufarni, u esa meni bir qarashda tushunib olamiz. Nilufar qo'girchoqlarni buzmasdan, toza o'ynaydi.

- Qo'g'irchoqlaringiz ko'pmi?

-To'rtta chiroyli qo'g'irchoqlarim bor. Ularni menga dadamlar olib berganlar. Dugonalarim bilan qo'g'irchoq o'ynaganimizda ularni avaylab, ko'ylaklarini kir qilmay o'ynayman.

- Ko'ylagi kir bo'lsa nima qilasiz?

- Kir bo'lib qolsa o'zim yuvaman. Ayam menga uy ishlarini, kir yuvishni ham o'rgatganlar. O'zimning ro'molchamni, ko'ylagimni ham yuva olaman.

- Uyda yolg'iz qolganingizda nima bilan mashg'ul bo'lasiz?

- Bir o'zim bo'lsam doim televizor ko'raman. Chunki televizor ko'rsam zerikmayman.

-Qaysi ko'rsatuvlarni yaxshi ko'rasiz?

- Multfilmlarni, «Besh barmoq», «Oltin toj»,

MUSTAQILLIK BAXTIMIZ

«Oqshom ertaklari»,

«Yangi avlod studiyasi»ning ko'rsatuvlarini tomosha qilaman. Bu ko'rsatuvlar menga juda yoqadi.

-Dilafruz, maktabda 1-sinfda nimalarni o'rgandingiz?

- O'qishni, yozishni, rasm chizishni. Alifbe, ona tili, matematika fanlariga qiziqib qoldim. Maktabda ko'p she'rlar o'rgatishar ekan.

-Ulardan birini aytib bering-chi?

-Onajonim, gulbahorim, Hayotim mazmunisiz. Tinch bo'lsin Vatanimiz, Mustaqillik - baxtimiz. Bu she'rni menga ustozim o'rgatganlar.

- Mustaqillik so'zining ma'nosini bilasizmi?

- Bilaman. O'tgan yili 1-sinfga borganimizda birinchi darsimiz «Mustaqillik darsi» bo'lgan. Mustaqillik degani o'zimizning bayrog'imiz, gerbimiz, madhiyamizning borligi. Dadam va ayam doim yonimda bo'ladi, urush bo'lmaydi. Men do'stlarim bilan xohlaganimcha o'ynashim mumkin. Shularning hammasi mening mustaqilligim.

-Mustaqillik haqida yaxshi narsalarni bilarkansiz. Toshkentga kelib mustaqillik bayramini nishonlar ekansiz-da?



tanishuv

Чирчиқни - саноат шаҳри, яна, зумрад шаҳар ҳам дейишади. Боиси, шаҳарда жуда кўплаб корхоналар, завод ва фабрикалар жойлашган. Табиийки, уларнинг катта-катта мўриларидан доимо тутун бурқисиб туради. Гарчанд улар тозалаш мосламалари орқали ўтса-да, ҳавони янада мусаффо қилиш мақсадида жуда кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар экилган. Ахир дарахтларни «Яшил шифокорлар» деб бежиз айтишмаган-ку. Бироз юқориорқдан томоша қилсангиз, мўжазгина яшил шаҳарча кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Хўш, чирчиқлик тенгдошларингиз ёзги таътилни қандай ўтказишяпти? Улар учун қандай шарт-шароитлар яратилган? Шу каби саволларимизга шаҳар халқ таълими бўлими мудири Саид ака Аҳмедов куйдагича жавоб бердилар:

-Шаҳримизда 25 та умумтаълим мактаблари, битта ижтимоий иқтисодий лицей мавжуд. Уларда ўзбек, қозоқ, рус, тожик миллатига мансуб 23 мингга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Ҳар бир мактабда соғломлаштириш майдончалари бор, кутубхоналар, спорт тўғараклари айна таътил кунларида ҳам фаолият кўрсатяпти. 8 мингдан зиёд болалар турли спорт тўғаракларига қатнаб, саломатликларини мустаҳкамлаётдилар. Шаҳримиздаги 8-, 15-мактабларда 150-200 нафар ўқувчини ўз бағрига олган соғломлаштириш оромгоҳлари ишлаб турибди. Бундан ташқари, еттита маҳаллада шахмат-шашка, теннис клублари, пазандачилик, тикувчилик, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш тўғараклари ташкил қилинган бўлиб, улар доим болажонлар билан гавжум.

Соля-салқин масканларда жойлашган шаҳар маданият ва истироҳат боғи, кимёгарлар истироҳат боғи, шунингдек, чўмилиш ҳавзалари ёзнинг айна иссиқ кунларида болаларнинг энг севимли масканига айланган.

Яхши дам - меҳнатга ҳамдам, деганларидек, ҳадемай ёзда мириқиб хордиқ чиқарган ўғил-қизларимиз қадрдон мактаблари кучоғига қайтишади. Шу ўринда «Хўш, мактабларимиз янги ўқув йилига тахтми, ўқувчиларни қабул қилишга шайми?» деган ўринли савол туғилади.

Шаҳримиздаги барча мактабларимизда жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган. Айрим мактабларимизнинг томлари, газ ва сув қувурларидаги носозликларни ҳомий муассаса ва ташкилотлар кўмағида таъмирлаб, янги ўқув йилига шай қилиб қўйиш тараддудидамиз.

Саид ака билан суҳбатимизни яқунлаб ташқарига чиқдик. Автобус бекатида алланималар ҳақида қизгин тортишиб ўтирган уч-тўрт нафар бола диққатимизни тортди.



Улар қуршовидаги онахонни суҳбатга тортдик:

-Йўл бўлсин онахон?
-Э, сўраманг. Набираларимни тўғаракларга олиб кетяпман, - дедилар онахон мамнуният билан. - Бири тўқишга, яна бири тикишга, анавиниси эса спорт тўғарагига қатнашади. Отаоналари ишда. Йўллар серқатнов, ёлғиз юборишга кўнглим бўлмай, ўзим бирга олиб бораман. Ҳамма тўғаракларга раҳбарлик қилаётган

ЗУМРАД ШАҲАР - ЧИРЧИҚДА...

Муҳаббатхон қизим барака топсинлар. Ёз давомида барча тўғараклари ишлаб турди. Набираларим анча мунча нарсаларни ўрганиб олишди...



би-лан ҳам суҳбатлашиш ниятида эканлигимизни айтиб, улар би-

Онахоннинг гапларидан кейин бизда ҳам саройни бориб кўриш иштиёқи туғилди.

Шаҳар ўқувчилар ижодиёти саройи ҳақиқатдан ҳам ўқувчилар билан гавжум экан. Улардан сўраб-суриштириб онахон алқаган Муҳаббатхон опани топдик. Ижодиёт саройи директори Муҳаббат опа Каримовадан саройнинг фаолияти, айна таътил кунларида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсилроқ гапириб беришларини илтимос қилдик:

-Саройимизда уч йўналиш бўйича фаолият кўрсатаётган 32 та тўғарак мавжуд. Амалий санъат, нафосат, ҳамда оммавий спорт бўлимларида 10-12 тадан тўғараклар мунтазам ишлаб турибди. Моҳир қўллар, бичиш-тикиш, шахмат-шашка, рақс, ватанпарварлик, модалар театри каби ўнлаб тўғаракларга 1520 нафар ўқувчи жалб қилинган. Уларга Манзура Исмоилова, Антонина Михайловна Караман, Фатхулла Саидов, Дилором Никимбоева, Дилором Охунова, Сарвар Абдураимов сингари ўнлаб моҳир мураббийлар раҳбарлик қилиб келишяпти. Бундан ташқари маҳаллалар қошида ҳам 5 та ўсмирлар клубларимиз иш олиб боряпти. Бундай клубларга маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда тарбияси оғир, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимида рўйхатда турувчи болаларни жалб қилганмиз. Айна таътил кунларида шаҳримиздаги 8-, 15-мактабларда ташкил қилинган оромгоҳдарда фаолият кўрсатаётган бичиш-тикиш, расм, драма ва шахмат-шашка тўғаракларимизга ҳам кўплаб болажонлар аъзо. Ўқувчиларни саройимизга янада кўпроқ жалб қилиш, маълум маънода олиб бораётган ишларимиз хусусида ҳисобот бериш мақсадида 9-ноҳиядаги «Аланга», ҳамда 8-ноҳиядаги «Қалдирғоч» клубларимизда қизларнинг шахсий кўرғазмасини ташкил қилиш, ўша ернинг ўзида шахмат-шашка турнирини ўтказиш ниятидамиз. Рус ва ўзбек тилларидаги драма театримиз, «Юлдузлар» рақс дастаси қизалоқлари айна таътил кунларида шаҳримиздаги «Гўзал», Хондойлик қишлоғида жойлашган «Хумо» болалар оромгоҳларига бориб, концерт дастурлари, сахна кўринишлари намойиш этишди, ўзлари ҳам мириқиб дам олиб қайтишди. Оромгоҳда дам олаётган болаларнинг кўпчилиги саройимизга

МАҲАЛЛАМИЗ ФУТБОЛЧИЛАРИ

Дзюдо - энг севимли спорт машғулоти. Шунинг учун ҳам дўстим Элёржон билан кимёгарлар саройи қошидаги дзюдо тўғарагига аъзо бўлганмиз. Шунингдек, футбол бол ўйнашни ҳам жуда яхши кўрамиз. Спортнинг бу турини севмайдиган ўғил бола топилмаса керак, менимча. Бўш вақт топдик дегунча, маҳалламиздаги кенг сайхонликка чиқиб, тўп тепамиз. Яқинда телевизор орқали Тошкентда 11-14 ёшли болалар ўртасида маҳаллалараро футбол мусобақалари уюштирилаётганини томоша қилдик. Бизнинг шаҳримизда ҳам ана шундай мусобақалар ўтказилса, зўр бўларди-да. Ишончим комилки, уларда иштирок этишни хоҳловчи болаларнинг саноғи бўлмасди.

Мансур АБДУСАМАТОВ, 13 ёш.



таси қизалоқлари айна таътил кунларида шаҳримиздаги «Гўзал», Хондойлик қишлоғида жойлашган «Хумо» болалар оромгоҳларига бориб, концерт дастурлари, сахна кўринишлари намойиш этишди, ўзлари ҳам мириқиб дам олиб қайтишди. Оромгоҳда дам олаётган болаларнинг кўпчилиги саройимизга

аъзо бўлиш ниятини билдириб қолишди...

Шу ерга келганда суҳбатимизга яқун ясадик. Гапираман десалар гаплари жуда кўп экан. Иши борнинг гапи бўлади-да, ахир. Биз болаларнинг ўзлари



«ЧЕВАР ҚИЗИМ» ДЕЙДИЛАР

9-синфни тамомлаб, шаҳримиздаги кимё-технология хунар-касб коллежига ўқишга кирдим. Мухосиблик ҳисоби бўлимнинг 1-босқичини муваффақиятли яқунладим. Лицейимиз қошида сартарошлик, тикувчилик, компьютер курслари ташкил қилинган бўлиб, ўқиш билан бирга ўзимиз қизиққан хунарларни ҳам ўрганиб оляпмиз. Гуруҳдошим Зебо Саидова сартарошлик, Жаҳонгир Файзибоев компьютер, дугонам Муҳаббат иккимиз тикувчилик курсини тамомладик. Шунингдек, шаҳар ўқувчилар саройидаги тикувчилик тўғарагига ҳам қатнашаман. Яна пазандачилик курсида турли хилдаги торт ва ширинликлар тайёрлашни ҳам ўрганиб олдим.

Яқинда бувижонимнинг туғилган кунлари бўлди. Шунда ўрганган хунарларим асқотди. Бувижонимга янги кўйлак тикиб бердим. Ўз қўли билан тайёрлаган «Қоялар» тортим дастурхонимизнинг кўрки бўлди. Муҳими, у ҳаммага жуда ёқди. Ҳаммадан ҳам бувижонимнинг хурсандликларини айтмайсизми? «Чевар, пазанда қизгинамдан ўзим ўргилай» дея пешонамдан ўпиб қўйдилар.

Ирода УМАРОВА.

МЕН УКАМГА ЎҚИТУВЧИ

Таътилнинг биринчи ойида Бўстонлик таманидаги «Хумо» оромгоҳида дам олиб қайтдим. Ҳозир эса уйдаман. Укам Даврон бу йил мактабга боради. Яқинда боғча билан хайрлашув кечаси бўлиб ўтди. Дадам билан ойм ишдан қайтгунларича укамга ўзим қараб ўтираман, тўғрироғи, унга ўқитувчилик қияпман. Ҳар куни 3-4 тадан янги ҳарф ўргатаман. Ҳатто ҳарфларни кўшиб ўқишни ҳам ўрганиб олди. Яна унга қизиқ-қизиқ эртақ китоблари ҳам ўқиб беряпман. **Зулфия ИСМОИЛОВА, 12-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.**

лан хайрлашдик. Шунинг баробарида тўғарак машғулотлари олиб борилаётган хоналарни кўздан кечириб, онахоннинг гапларида жон борлигига амин бўлдик. Болажонларнинг бўш вақтларини кўча-қуйда бекор ўтказмай, хунар ўрганишга, спорт тўғаракларига қатнаб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун шарт-шароитлар яратаётган ўз касбининг фидойиси бўлмиш Муҳаббат опа сингари инсонлар борлигидан кўнглимиз тоғ баробар юксалди.

Суратларда: Тўғаракларда машғулоти пайти.

Саҳифани Феруза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.

ТУМАНИМИЗНИНГ «СОҒЛОМ АВЛОД» ЖОНКУЯРЛАРИГА

Биз Бухоро вилояти, Шофиркон туманининг Шўробод қишлоғида яшаймиз. Ҳозир ўқувчиларимизнинг ёзги таътил кунлари. Қишлоғимиздаги лойқа ва микро-бларга «бой» бўлган сув ҳавзалари қишлоқ болаларининг энг севимли масканига айланган. У ерларда «мазза» қилиб чўмилиб чиққан болаларнинг лойга беланган башараларини кўрсангиз, кимлигини ҳам танитай қоласиз.

Ушбу йилимиз «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганига ҳам ярим йилдан ошяпти. Шаҳар жойларида болаларнинг саломатликларини тиклашлари, мароқли хордиқ чиқаришлари учун етар-

лича шарт-шароитлар яратилаётгани ҳақида кўп эшитамиз, кўра-миз. Лекин бизнинг қишлоғимизда бу борада ҳеч қандай силжиш сезилмаяпти. «Бу туманда оромгоҳлар йўқмикин?» деб ўйлашингиз мумкин.



Туманимизда биттагина оромгоҳ бор. У ҳам бўлса ҳар мавсумда 8 тадан, кичикроқ мактаблардан эса 3 тадан бола қабул қилади, холос.

Қишлоғимизга табиий газ ўтказилган. Лекин ичимлик суви иншооти қурилмаган. Битта бор эди. Лекин унинг ишламай, ташландиқ ҳолга ке-

либ қолганига ҳам 5-6 йил бўляпти. Ҳафтасига бир мартаба машинада ичимлик суви келтирилади. Лекин бу сувнинг ҳафта давомида иссиқда идишларда туравериш қай аҳволга келиб қолишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Баъзи пай-

ларда сув ташийдиган машиналар ҳам кўринмай қолади. Шунда ҳеч иложсиз ариқдаги сувдан истеъмол қилишга мажбур бўляпмиз. Ҳовлиларимизда қурилган кичик кудуқларимиз бор. Лекин улардан чиқадиган шўр ва тахир сувни сугир-бузоқлардан бошқа ҳеч ким ича олмайди.

«Соғлом авлод» жонкуярлари бу масалалар ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди. Менинг бу гапларим танқид кўзи билан эмас, таҳлил йўли билан ечимини топади, деган умиддаман.

Дилбар ҲИКМАТ қизи,
Бухоро вилояти, Шофиркон тумани,
Навий жамоа хўжалиги.

Бу йил бошланғич синфни тамомладим. Синфраҳбаримиз Феруза опа Жўраева бизларни Ойтўхта опа Очиловага топширдилар. Биринчи устозим Феруза опамни жуда яхши кўраман, уларга бағишлаб жуда кўплаб шеърлар ёзгандим. Бу Ойтўхта опамга ёқмадим, нимагадир менга ўчакишиб қолдилар. Авваллари ёзган шеърларимни Феруза опамга кўрсатсам, диққат билан ўқиб чиқиб, фикрларини билдирдилар,

ФЕРУЗА ОПАМНИ ЯХШИ КЎРАМАН

камчиликларимни тушунтириб бердилар. Ойтўхта опам эса ўқиб кўриб, «ҳм, бўлади» деб қўя қолдилар. Мени синфбошлиқдан ҳам озод қилдилар.

Кейинги пайтларда тез-тез бошим оғрийдиган бўлиб қолганлиги боис мактабга ҳам бормаи кўйдим.

Шунда онам Ойтўхта опамдан:



«Қизимга ҳеч бўлмаса деворий газетани беринг» дея илтимос қилдилар. Шундан кейин деворий газетани чиқардиган бўлдим. Ёш бўлсам-да, ширин сўзнинг, ҳушмуомала ва рағбатлантиришнинг нечоғли аҳамияти катта эканлигини тушуниб етдим.

Шаҳзода ЖўРАЕВА,
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Тош Кенжаев жамоа хўжалигидаги
27-ўрта мактабнинг
4-синф ўқувчиси.



«ХАЙДОВЧИ ЙЎЛИДАН ЮРАР АВТОБУС»

30 мартда эълон қилинган мақолага шундай жавоб хати келди:

Ҳақиқатдан ҳам 83, 96, 129 маршрутдаги айрим автобуслар «Сабзавот» бекатида тўхтамай ўтиши кузатувчиларимиз томонидан аниқланди. Ишларига совуққонлик билан қараганлари учун ҳайдовчилар 20 фоиз мукофот пулидан маҳрум бўлдилар. Текширув куни қонунни бузган 2 нафар ҳайдовчи вазифасидан четлатилди.

О. К. ҚАЮМОВ,
2519-Автокорхона раҳбар муовини.

«СИНФБОШИМИЗНИ ОПА ДЕЙМИЗ»


10 мартда шу номли мақола чоп этилган эди. Мирзо Улугбек туманидаги 248-мактаб директори М. Абдуллаевдан куйидагича жавоб мактуби олинди.

«Ўқув йилининг охири кунларида биз 6-«Б» синф раҳбари С. Мамбетова, бошланғич синфлар илмий мудираси Н. Ҳамдамалиева, ҳамда шу синф қизлари иштирокида очиқ синф мажлиси ўтказдик. Ҳақиқатан ҳам Дилноза Усмонова синфдошларига беписандлик билан муомалада бўлар, ўртоқларини ноҳақ ранжитар экан. Дилнозага нисбатан тегишли

чора кўрилиб, у синфбо-

шлиқдан озод қилинди. Янги ўқув йилида янги синфбоши сайланадиган бўлди.

Муҳими, Дилноза ўз камчиликларини тўғри тушуниб, синфдошларидан кечирим сўради».



«ЧАҚМА-ЧАҚАР КИМГА ЁҚАР»

20 апрелдаги шу номли мақолада келтирилган камчиликлар юзасидан кўрилган чора-тадбирлар хусусида Фарғона вилояти, Учкўприк тумани ҳокимлигидан жавоб мактуби олинди.

Унда ёзиллишича, мақолада келтирилган фактлар асосли деб топилиб, туман мутасаддилари, ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари иштирокидаги мажлисда муҳокама қилинган.

Қисқа давр ичида туманнинг Карам ва Қумарик қишлоқлари, ҳамда унинг атрофидаги аҳоли истиқомат қилаётган жойларда газ, электр энергияси билан таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга доир бирмунча ишлар амалга оширилибди. Айни кунларда мазкур аҳоли пунктлари учун газ олиб келувчи «Жалоер-Гиждон» газ трассаси таъмирланиб, профилактик ишлар олиб борилаётган экан.

Мақолада қайд этилган «Қиш бўйи ёнмаган газ учун хонадонлардан газ ҳақини ундириб олишяпти» деган жумлалар таҳлил қилинганда, бу 1999 йилнинг ноябрь ойигача тўланмаган боқманда суммаларни аҳолидан ундириш масаласида кўрилатган чоралар натижаси эканлиги аниқланди.

Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви қишлоқ ҳудудидаги ишламай ётган ҳаммомни қайта таъмирлаш, аҳолига хизмат кўрастишини ташкил этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар, шунингдек, Карам қишлоғидаги артезиан кудугини ишлатиш чоралари кўрилатган экан.

«ЧОР-СУ»ГА КИРИШ 15 СЎМ»

Тошкент тумани 34-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулмира зетанинг 2000-йил 17-фев-су»га кириш 15 сўм» мақоласига куйидаги жавоб хати олинди:

«Мақола жамият мажлисида ўқиб эшиттирилди, кириш эшиклари назоратчилари махсус зангори рангдаги курткалар билан таъминланганлигини ва кўкрак нишони (бейджик) доимо тақиб юришлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Қизимиз Гулмира тасвирлаб берган автомашина ва юк билан кириш учун мўлжалланган дарвозадан кундалик пул тушумини назорат органлари, ДСИ ходимлари томонидан бир неча бор хронометрик текширув ўтказганлар, ушбу дарвоза назоратчиси ҳар куни бозор катта ҳазинасига ўртача 2600 сўм миқдоридан пул топширадилар.»

Ф. НАБИХОНОВ,
«Чор-су буюм бозори» ОАЖ бошқарув раиси

«ЯШИЛ КАСКАЛИЛАР» КЎРИҚЧИ

БМТнинг тинчликпарвар кўшинлари Ливан жанубига олиб кирилди. Бундан мақсад БМТ бош котиби Кофи Ананн таъкидлаганидек, Исроил ва Ливан чегарасида осойишталикни сақлашдир. Аини мана шу ҳудуддан 2 ой олдин Исроил кўшинлари олиб чиқилган эди. Ливан жанубига киритилган БМТ кўшинлари «Яшил каскалилар» деб аталади. Ливандаги бир қанча радикал ташкилотлар БМТнинг «Яшил каскали» кўшинларининг Ливан жанубига киритилишига қарши чиқмоқдалар. Улар БМТнинг «Яшил каскали» кўшинлари аввал Исроил жангчилари кўриқлаётган ҳудудга олиб кирилсин, демоқда.

БАСКЕТБОЛ ОРҚАЛИ ДИПЛОМАТИЯ

Бундан бир неча йиллар аввал бўлиб ўтган стол тенниси бўйича мусобақа Америка-Хитой муносабатларини оз бўлса-да, яшиланишига сабаб бўлган эди. Бундай тадбир яқинда Кэмп-Дэвидда бўлиб ўтган Араб-Исроил музокараларида ҳам бўлиб ўтди.

Бу сафар Араб-Исроил муносабатларига оз бўлса-да, ижобий таъсир кўрсатиш учун баскетбол бўйича мусобақа уюштирилди. Америкаликлар мезбон бўлганликлари учун ҳам баскетбол ўйинининг ташаббускори улар эдилар.

Гарчи, баскетбол ўйнаш учун Фаластин раҳбари Ясир Арофат ва Исроил раҳбари Ёхуд Баракнинг шахсан ўзлари майдонга тушмасаларда, лекин Кэмп-Дэвидга келган Фаластин ва Исроил делегацияси аъзолари баскетбол бўйича устаси фаранг эканликларини намойиш этдилар. Мусобақа кескин сиёсий тус олмаслиги учун, араблар, америкаликлар, исроилликлар ўзаро аралашиб, иккита командага бўлинишди. Шунинг учун ҳам делегация раҳбарлари фақатгина ўйиннинг сифат даражаси учун ишқибозлик қилдилар.


Ўйин эса, ҳамма учун ижобий бўлган дуранг натижа билан яқунланди, дўстлик ғалаба қозонди.

СУНЪИЙ ЮРАК БАРИБИР СУНЪИЙ-ДА!

Исроилда 64 ёшли кишининг юраги операция қилиниб, ўрнига сунъий юрак ўрнатилди. Гарчи операциядан сўнг беморнинг аҳволи яхшиланмаган бўлса-да, у яшамоқда.

Исроил врачлари томонидан яратилган сунъий юрак майдагина батарея орқали ишлайди. Инсон танасига ҳам батарея билан бирга ўрнатилади.

Сунъий юрак илк бор Америкада ихтиро қилинган эди. Лекин инсон ҳаётини сақлаб қолишга 100 фоиз кафолат йўқлиги учун америкаликлар бу тажрибани аввал бошқа мамлакатларда синаб кўришмоқда.



ВЪЕТНАМ - ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИ

31 июль куни Вьетнам Социалистик Республикасининг савдо-иқтисод вазири ўринбосари Хо Кван Мудин бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ўз ташрифини бошлади. Ташрифдан мақсад, Вьетнам ва Ўзбекистон ўртасида савдо ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришдир. Ҳозирда икки давлат ўртасида қўшма корхоналар очилган. Айтиқса, Вьетнамнинг Ўзбекистондаги чарм ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхонаси самарали фаолият олиб бормоқда.

ИТАЛИЯ-РОССИЯ АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Тез кунларда Италия ташқи ишлари вазири Ламберто Динининг Россия пойтахти Москвага ташрифи бошланади. Ташрифдан кўзланган асосий мақсад икки давлат ўртасида иқтисодий, маданий, ҳарбий алоқаларни ривожлантиришдир. Италия ташқи ишлари вазири Ламберто Дини Игорь Иванов томонидан таклиф этилди.

ОКИНАВАДАГИ УЧРАШУВ САМАРАЛИ ЯҚУНЛАНДИ

21 июль куни Япониянинг Окинава шаҳрида «Катта еттилик» давлатларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда «Катта еттилик»нинг барча аъзолари бутун дунёда СПИД (ОИТС)га қарши биргаликда курашишга келишиб олдилар. Шунингдек, йиғилишда Россияни тез орада саноати ривожланган давлатлар қаторига қўшиш учун унга молиявий ёрдам бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

ИОАНН ПАВЕЛ II АРАБЛАРГА ЁН БОСМОҚДА


Иоанн Павел II бир неча ҳафта илгари Куддусга қилган ташрифи чоғида, Фаластин ва Исроил халқини ўзаро тинчликда яшашга чақирди. Исроил ва Фаластин чегарасидаги ерларга эгалик қилиш учун араблар тўла ҳақли эканликларини таъкидлади. Аммо, Исроил ташқи ишлари вазири Авив Широн Иоанн Павел II нинг бу фикрларига қарши чиқди. Фаластинликларга умуман ёнбосмасликка чақирди. Умуман, арабларни бутун Ватикан халқи қўллаб-қувватламоқда, ҳозирда Исроилнинг мулки бўлган Куддусни бутунлай араблар ихтиёрига ўтказилишини талаб қилмоқдалар.

XXI АСРНИНГ «СУВ ТЕКИН» ЎЙИНЧОФИ

Шу кунларда АҚШнинг Нью-Йорк штати бўйлаб электрон ўйинчоқлар аҳоли томонидан кўп миқдорда сотиб олинмоқда. Ўйинчоқлар болалар учун қулайлиги, кўп нарсага қодирлиги, сифатлилиги ва ниҳоят арзонлиги билан харидорларни ўзига жалб этмоқда. 2000 йилнинг апрель ойида кашф қилинган ушбу электрон ўйинчоқларнинг ҳозирга қадар 500 000 таси ўз эгалари томонидан сотиб олинди. Ўйинчоқларнинг ўртача баҳоси 30 доллардир. Бу АҚШ фуқаролари учун сув текин деган гапдир. Ўйинчоқларнинг энг шуҳрат қозонганларига махсус номлар ҳам қўйилган. Масалан: Пу-Чи, Текно электрон кучуқчалари бутун АҚШда болаларнинг севимли ўйинчоғига айланиб қолмоқда.



ДУНЁДАН ДАРАКЛАР



Ўтган ва шу ҳафтанинг муҳим воқеалари:

ҚИСҚА ВА ЛЎНДА...

30-31 июнь кунлари Шимолий ва Жанубий Корея делегацияларининг ўзаро учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув Шимолий ва Жанубий Корея чегарасидаги Пхен Мун Чжон вилоятида бўлиб ўтди. Айнан мана шу вилоятда икки Корейс давлатининг ваколатхоналари очилди. Бу очилиш Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги азалий кескин муносабатларининг яхшиланаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, икки давлат делегациясининг раҳбарлари ўзаро иқтисодий, савдо, молиявий, маданий, ҳарбий алоқаларни ўрнатиш тўғрисида келишиб олдилар.

Бундан 10 кун аввал Францияда ҳалокатга учраган «Конкорд» самолётининг фалокат оқибатлари ҳамон аниқланмоқда. Ҳозирги маълумотларга кўра, ҳалокатга учраган самолёт жуда ҳам эски бўлган ва бир неча носозликлари ҳам бўлган. Айнан мана шу «Конкорд» русумидаги самолётларнинг учиш фаолияти АҚШда анчадан бери таъқиқлаб қўйилган. АҚШда охириги 3 йил ичида «Конкорд» самолётининг 40та учиши бекор қилинган. Франциядаги авиаҳалокат натижасида 114 киши қурбон бўлди. Француз раҳбарияти ҳам мана шу русумдаги самолётларнинг фаолиятини таъқиқлаб қўйди.

Ўтган ҳафтада Жазоирда экстремистик ташкилотлар томонидан бир неча портлаш ҳодисаси содир этилди. Натижада 11 киши ҳалок бўлди. Ўтган икки ҳафта ичида эса ҳукумат кўшинлари томонидан Жиджелли вилоятида ўтказилган террорчиларга қарши ҳаракатда 25 та террорчи ўлдирилди.

Ўтган ҳафтада Испаниянинг шимолидаги Гечо шаҳрида кўпоровчилик содир этилди. Портлаш натижасида 4 киши оғир жароҳатланди. Бу портлаш охириги уч ҳафта ичида содир этилган олтинчи терактдир.

29-30 июль кунлари Чеченистондаги жангарилар Грозний шаҳридаги рус кўшинларининг штабларига бир неча мартаба ҳужум уюштирдилар. Грознийга уюштирилган ҳужумдан мақсад, рус кўшинларининг асосий базаси бўлмиш ушбу ҳудудни эгаллаб олишдир. Қурбонлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Бир неча ҳафта илгари Филиппиннинг «Абу Саййаф» кўпоровчи гуруҳи томонидан гаровга олинган германиялик журналист Лоренс Шпигел катта пул эвазига озод қилинди. Тўловни ушбу журналист ишлайдиган Германиянинг матбуот ташкилоти «Абу Саййаф» гуруҳига топширилди.

30 июль куни Афғонистонда Толибонлар Боғлон қишлоғини қақшатқич жанглирдан сўнг эгаллаб олдилар. Бу хабарни Шимолий Афғонистон ҳудудларининг раҳбари Аҳмад Шох Маъсуд ҳам тасдиқлади. Шу кунларда Аҳмад Шох Маъсуд ва Толибонлар ўртасида бир неча кескин тўқнашувлар бўлиб ўтмоқда.

Фиджи ярим оролида вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Фиджи ҳукуматига қарши чиқаётган кўзғолончилар раҳбари Жорж Спейт ўрмонда яшайдиган ҳиндулардан бир нечасини гаровга олди. Охириги бир ой ичида Спейт Фиджида 30 кишини, шу жумладан мамлакат бош вазирини ҳам гаровга олган эди.

Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ тайёрлади

Мана, ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари ҳам ортда қолиб, янги ўқув йили эшик қоқмоқда. Айни кунларда фарзандлари мактабга борадиган ҳар бир ота-она дарсликлар, ўқув анжомлари харид қилиш тараддудиди.

Хўш, Қўқон шаҳрида дарсликлар савдоси қай аҳволда?

Бу саволимизга Қўқон «Китоб савдо» Акционерлик жамияти бошлиғи Ш.Муҳаммадюсупов куйидагича жавоб бердилар:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил январь ойидаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 1-,6-,9-бандларида ўқув дарсликлар ва адабиётларини ўқувчига аини вақтида етказиш ҳақида сўз боради. Шунга кўра ҳозирги кунда барча дарсликлар савдога чиққан. Лекин биз бозорларга китоб чиқармаймиз, у ерларда сотилаётган китобларга мутлақо алоқамиз йўқ. Шаҳримизда 6 та китоб дўкони, 62 та маҳаллада, шунингдек, шифоналарда ҳам китоб дўкони шаҳобчалари ишлаб турибди. Авваллари «Ўқитувчи» нашриётдан олдиндан 15 фоиз ҳақ тўлаб китоб ва адабиётлар слардик. Қолган 85 фоизини эса китоблар сотилиб бўлгач, тўлар-

дик. Ҳозир эса олдиндан 100 фоиз ҳақ тўлаб, китоб ва адабиётлар олишга мажбур бўляпмиз. Шунинг учун ҳам ўтган 1999-2000 ўқув йиллари учун мактаб ўқувчиларимизга айрим

ванинг давлат баҳоси 300 сўм турадиган 2-синфнинг «Она-тили» китобини 320 сўмдан, 2-синфнинг «Рус тили»сини 244 сўм ўрнига 250 сўмдан сотаётгани аниқланди.

Мана, 8 йилдирки, республика-

дай ҳужжатсиз, эркин нарҳда сотаётганларида солиқ инспекцияси томонидан мусодара қилиниб, ҳуқуқий идораларга суриштирувга жўнатилди.

Шу ўринда Қўқон шаҳар саноат моллари бозори директор ўринбосари Комилжон Зокировга «Бозор бедарвозами?», «Нима сабабдан дарсликлар ҳеч бир ҳужжатсиз эркин нарҳда сотилапти?» каби саволлар билан мурожаат қилдик.

- Биз бозоримизга келаётган ҳар бир сотувчи ёки тадбиркорларнинг бозорда савдо қилишлари учун жой ажратамиз. Улар бир ой аввал ўз молларини сотиш учун маъмурият хазинасига патент тўлашади. Сотувчилик ёки тадбиркорлик ҳужжатларини эса шаҳар ҳокимияти ва шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан олишлари керак. Бугун «қармоққа илинган» ҳужжатсиз тадбиркорлар ўзларидан кўришсин...

Мана, азиз муштарий! Бир кунлик рейдимиз натижаси шундай бўлди. Хулоса чиқариш эса ўзингизга ҳавола.

Мухтор БЕК,
мухбир,

Файратжон ХУСАНОВ,
Қўқон шаҳар солиқ Давлат инспекциясининг савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг назорат бўлими бошлиғи.

ФАРЗАНДИНГИЗГА КИТОВ ОЛДИНГИЗМИ?

(Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ҳамда «Тонг юлдузи» газетасининг қўшма рейди)

дарслик ва адабиётларни олиб бера олмадик. Шундай бўлсада, ота-оналардан эски китобларни сотиб олиб, бир амалладик...

Биз Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг бир гуруҳ ходимлари билан ҳамкорликда шаҳар саноат моллари бозоридида бўлиб, дарсликлар билан савдо қилаётган «тадбиркорлар»нинг фаолиятлари билан танишдик. Рейдимиз давомида бу борадаги айрим кўнгилсизликларнинг ҳам гувоҳи бўлдик:

Ўзини «тадбиркорман» дея таништирган Ҳамидахон Аҳмадалие-

миз Президенти томонидан 1-синф ўқувчилари учун ўқув қуроллари, анжомлари, ҳамда дарсликлар совға тариқасида бепул тарқатилляпти. Аммо Шарофатхон Жалолова каби «учар тадбиркор»ларимиз 1-синфнинг «Ўқиш китоби», «Алифбе» китобларини очикдан-очик 150 сўмдан пуллаётганини кўрдик.

Шу кун фаолиятларига кенг йўл очиб берилган «тадбиркорлардан» Шарофатхон Жалоловага қарашли 28733 сўмлик, Ҳамида

Аҳмадалиевага қарашли 8545 сўмлик, Йўлдошали Шодмоновга қарашли 37731 сўмлик, Мақсуда Мирсаидовага қарашли 24073 сўмлик, умумий миқдори 99082 сўмлик ўқув дарсликларни ҳеч қан-



БОЛАЛИГИМ, СЕНИ СОҒИНДИМ

Капалаклар билан ўйнашиб,
Шўхликларим анҳордай тошиб.
Неча фасл, неча йил ошиб,
Болалигим, сени соғиндим.

Энди умр ел каби елар,
Соғинчларим кўз ёшим элар.
Бир зумгина чорлагим келар,
Болалигим, сени соғиндим.

Ўтиб кетди қанчалар баҳор,
Тополмадим бир дўст вафодор.
Ўзинг дилдош, ўзинг беғубор,
Болалигим, сени соғиндим.

Мурғак қалбим сир билмаган дам,
Бунча гўзал эди бу олам.
Барча бирдек меҳрибон одам,
Болалигим, сени соғиндим.

Ёмғирларни ичгим келади,
Тупроқларни кечгим келади.
Бўйларингдан кучгим келади,
Болалигим, сени соғиндим!..

ДЎСТДАН КЎРА ДУШМАН КЎП

Одам Атодан буён,
Орзулардан пушмон кўп.
Ростдан кўра кўп ёлғон,
Дўстдан кўра душман кўп.

Сиқиб туриб қўлингни,
Билмоқ бўлар дилингни,
Пойлар нобоп йўлингни,
Дўстдан кўра душман кўп.

Бисёр бўлса давлатинг,
Кўпдир доим улфатинг.
Кўрса ногоҳ кулфатинг,
Дўстдан кўра душман кўп.

Бириси забонингда,
Бириси товонингда,
Бири шайтон қонингда,
Дўстдан кўра душман кўп.

Доим бағрин очувчи,
Гўё меҳрин сочувчи.
Керак дамда қочувчи,
Дўстдан кўра душман кўп.

Бир-бирини дўстларим,
Кўролмади кўзларим.
Оғир олманг сўзларим,
Дўстдан кўра душман кўп.

БИТТАСИ БОР, БИТТАСИ

Қизлар келади қатор,
Бир-биридан ҳусндор.
Биридан кўзи хумор
Биттаси бор, биттаси!

Ўсма кўйган қошида,
Кун кулар қарошида.
Айни севги ёшида,
Биттаси бор, биттаси!

Чўғдек товланган лаби,
Ширин хурмойи каби.
Гўзалларнинг дилбари,
Биттаси бор, биттаси!

Севдиради-севмайди,
Жон берсанг ғам емайди.
Ваъда бериб келмайди,
Биттаси бор, биттаси!

Ҳайдаса ҳам нечада,
Гоҳ кундуз, гоҳ кечада.
Юраман шу кўчада
Биттаси бор, биттаси!..

АФСУС...

Дўстлар кўпу даврада,
Кўнгилдаги айём йўқ.
Май ҳам хўпу даврада,
Афсус, Умар Ҳайём йўқ.

Дил овламас тилаклар,
Ҳасрат тўла юраклар.
Бору нозик билаклар,
Афсус, Умар Ҳайём йўқ.

Кўз олар боғ чиройи,
Сой қилади хиргойи.
Тинглай десам рубойи,
Афсус, Умар Ҳайём йўқ.



Дунё ўзи майхона,
Гоҳ аза, гоҳ тўйхона.
Тўлиб кетди паймона,
Афсус, Умар Ҳайём йўқ.

Кўрсам ҳамки кўп кулфат,
Тириклигим минг давлат.
Мен қўмсаган зўр улфат,
Афсус, Умар Ҳайём йўқ...

Ким ёд этса борман дер,
Бир дуога зорман дер.
Айтиб берай десам шеър,
Афсус Улар Ҳайём йўқ.

КЎШИК

Юрган йўли маломат,
Келганда ҳам қиёмат.
Фаришталар ҳам қочар,
Аёл қилса хиёнат.

Ой юзига доғ тушар,
Кўнгилга сиёҳ тушар.
Ювилмас гуноҳ тушар,
Аёл қилса хиёнат.

Эркак эгиб юрар бош,
Еганлари бўлар тош.
Севган ёри қаламқош,
Аёл қилса хиёнат.

Қаро бўлар кун юзи,
Кийиб кетар юлдузи.
Бахтсиз бўлади қизи,
Аёл қилса хиёнат.

Айтиб турар нигоҳи,
Шайтон бўлар ҳамроҳи.
Оллоҳга етмас оҳи,
Аёл қилса хиёнат...



Карим ТУРСУН

ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ ДЕСАМ

Юрагимга тўлади ғурур,
Кўзларимда яшнаб кетар нур.
Олам узра мен мангуга хур
Ўзбекистон - Ватаним десам!

Кўллаб турар боболар руҳи,
Ҳар кунимнинг бордир шуқуҳи.
Енар дилда муҳаббат чўғи,
Ўзбекистон - Ватаним десам!

Оллоҳ ўзи қилган пурзиё,
Тупроқлари кўзга тўтиё.
Жоним бўлсин бир умр фидо,
Ўзбекистон - Ватаним десам!

Юрт ишқиди юрак ёнади,
Ўз юртидан номард тонади.
Куйлагувчи тил қувонади,
Ўзбекистон - Ватаним десам!

Оппоқ ойдин йўлимиз - борар,
Ҳар янги кун ёғдуга қорар.
Ҳали дунё ҳайратда қолар,
Ўзбекистон - Ватаним десам!

Отни: эгарига, одамни кийимига қараб баҳолама, деган мақолни эшитганимиз? Мен шу мақолни эшитганимда дарҳол кўз олдимга кўшнимизнинг эгарланган тойчоги келганди. Ушанда эркатой Шухратнинг суннат тўйида келган тойчоқ тўй болани одамлар орасида иттиби ташлаган, тўйхонани сал бўлмаса азахонага айлантирай деганди. Шунақа, ҳар мақолнинг ортида одам яширин. Одам ортида- олам.

Ховузи борнинг балиги ҳам бўлади. Хушчақчақлик бор жойда эса соғлиқ, - деган мақолларни эшитганимда ҳам кўз олдимда одамлар, одамлар яратган оламлар намоеъ бўлаверади. Ана шундай мақолларни тинглаб улгайганим сабабданми, мен бир одамни катта ҳарфлар билан ёзиладиган ОЛАМ ОДАМИга айлантириб олдим. Бу - юртдошимиз Артур Григоряндин. Бирданга нега Умида опа мақоллар ҳақида гапира туриб машур спортчиға ўтиб кетди деб, хайрон бўлаётгандирсиз. Хайрон бўлсангиз, хайратимга, қувончимга, яшаш учун эртанги кунга отланган - гайратимга ҳам хайрон бўлинг. Бу хайронлигингиз ҳозир айтсам, кўнглингизда меҳр, кўзингизда гурур бўлиб ўзимга қайтади. Ўзбек бўлиб, ўзбекининг ўз юлдузи бўлиб қайтсин илойим!

Спорт мавзусида кўп ёзадиган журналист акангиз билан суҳбатлашиб ўтириб, унга кўнглимдаги гапни айтдим.

- Артур билан суҳбатлашмаган бўлсам-да, ўз ўғлимдек, кадрдон укам, кимматдон жигаримдек яхши кўриб қолдим. Соф ўзбекча, аниқроғи, ўзимизнинг Эски шаҳарча шевада:

-Мен яна майдонга тушаман, ўз туғилган юртимни, байроғимизни оламга кўз-кўз-қилавераман, дейди-я ҳар гал. - Айтишларича, лоақал арман байроғини бир марта кўтариб сен арман миллати эканлигини билдириб қўй дейишибди унга. У эса рад қилибди. Унинг ортида катта мамлакат, ўз юрти Ўзбекистон турганлигини айтибди.

Бир вақтлар севимли хонандамга айланган Мухаббат Шамаева билан кўни-кеча «Ассалом Ўзбекистон» теледастури орқали бўлган суҳбатни кўрдим. Мухаббат опа болалигимнинг энг

деб айтмайсанми, ёки менинг колхозчилигимдан ор қилдингми», деганлари қалбимга уялиш, отам олдида орланиш ва яна алла-нималардан иборат хисни солганди. Уша-ўша борни бор, йўқни-йўқ дейишга, ҳаётим, хайратим, орзу- аромонларим, топган-йўқотганларимни қандай бўлса шундайлигича баён қилишга ўргангандим. Сиз яна Умида опа энди ҳаётини ўғитларга ўтиб кетди, деб ўйлаётгандирсиз? Тўғри, оналар болаларга ҳатто мактаб туриб ҳам камчиликларини айтишга, тўй-тантаналарда кечаги қайғу-ғамни эсла-тишга қодир зотдирлар. Чунки, улар фарзандларини ҳамиша яхшиликка ундайдилар. Каттиқ қувонган дамларида ҳам эртага қайғуриб қолмайманми деган истихолода туришади, бу билан ўртахоликликни ўргатишади. Бу ўртахоликликда халқ билан баробар қадам ташлаш, замондошлар қувонч-ташвишларига шерик бўлиб яшаш бор.

Мен Артурни жуда яхши кўриб қолдим. Ундаги туғилган еридан гурурланиш, Ватан тўғусини теран тушуниш хислатидан ибрат олишингизни сизларга қайта-қайта ўқдиргим келди. Чунки Ватан, ота-она, қариндош-уруғларни инсон танлай олмайди. У инсоннинг ўзи билан тақдир бўлиб туғилади. Шундай экан, ўз инсоний бурчига содиқлар ҳамиша эъзозда, ҳамиша эътибордадир. Мен ҳам азиз болажонлар, сизлар ўз туғилган кишлогингиз, ота-онангиз, дўстларингиз, қариндош-уруғларингиз билан фахрланиб уларни оламларга кўз-кўз қилишингизни истайман. Кимдир хунук уй-жойи, нотекис кўчасидан ёки беўхшов кийимидан ҳозирча уялаётган-



дир. Лекин бу уялиш улардан воз кечиш дегани эмас. Балки қувонч билан, орзу ва олий мақсадлар билан олдинга интилиш ва кўзлаган марраси сари одимлаш шарт деганидир. Бу одимлар ортида албатта гуллар унади, муаттар бўйлар оламга тарадади. Чунки, гурурли инсоннинг ҳаёти нурлидир.

Умринг узок бўлсин болам,
Кун кўриб, ер босиб юргин.
Қумринг қувнар, хуррам олам,
Туп қўй, палак ёзиб юргин.
Гард, губордан холи ҳовлинг,
Монанд бўлсин соф юракка.
Кун, кун ора сўраб холинг,
Ундасинлар ғоз юрмакка.
Гурур отлиг бир неъмат бор,
Иноят бор боболардан.
Ўзбеклигинг - ўзлигинг ёр
Бўлса кетмас Бахт сен - марддан.
Кўпни билган, кўпни кўрган
Халқнинг сенда умид кўзи.
Ўқи,
Изла,
Кашф эт, Ўрган,
Сен Ўзбек бўл, ЎЗ ЮЛДУЗИ!

Умида АБДУАЗИМОВА

ГУРУР ОТЛИГ БИР НЕЪМАТ БОР

севимли хонандаси. Турмуш ўртоғи Илёс Маллаевнинг ёзган шеърлари, ижро этган куй-қўшиқлари ҳам ёдимда. Аммо Америкага яшаш учун кетишганда кўнглимдан нимадир чирс узилгандек бўлганди. Ахир, шу юртда туғилиб, обрў, шон-ном топишганди-ку, деган маҳаллий ўзлик туйғуси мени тарк этмаганди. Энди эса мени бу санъаткорлар қайсидир маънода совитгандек эди. Тўғри, инсон бир ер, бир осмон остида, қаерни макон этса ўша ерда яшайди. Аммо оналик, аёллик - ўзига хос худбинлигим сабаб қизганишми, рашқми, мен - шундай фикрдман.

Эсимда, отанг қаерда ишлайди деб менга савол беришган. Мен эса «отам экспедитор - ҳайдовчи», - деганим. Шунда отам «мен колхоз шофёриман, нима қиласан, қийналиб, чайналиб, «экспедитор» деган сўзни кўшиб? Тўғриликча, отам қишлоқда етиштирилган картошка, пиёзларни шаҳарликларга етказиб берадилар

чилик гувоҳномаси»га ҳам эга бўлам.

- Сизлар ҳаммангиз бир коллежга ўқишга кирмоқчимизсиз?,- беихтиёр суҳбатларига қўшилдим.

Кечикмадиларингми?

- Йўқ... Мен юридик институтига етарли балл тўплай олмадим. Дарҳол ҳужжатларимни коллежнинг юридик бўлимига топширишга аҳд қилдим. Бўш юрмай ўқишга кириб

лоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўлими. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳозлари оператори, қайта ишлаш жиҳоз ва машиналарини таъмирлаш бўйича чилангар касбларини эгаллаш мумкин. Ундан ташқари яна бир бўлим мавжуд. Молия ҳисоби. Унда корхоналар бўйича молия ағенти, жисмоний шахслар бўйича молия

Турфа одамларнинг ҳатти- ҳаракатларини кузата туриб, бир неча ўсмирларнинг ўзаро қизгин баҳслашаётганига кўзим тушди. Уларнинг ишонч билан гапиришлари, қўлларидоги ҳужжатлар тўпламини қайта-қайта текширишлари мени ҳам қизиқтириб қўйди. Аста суҳбатларига кулоқ солдим.

- Акбар, аризангни, Кенсойдаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи директори номига ёздингми?

- Ҳа, мен хўжалик масалалари бўйича ҳуқуқшунос ва молия ҳисобчиси бўлмоқчиман. Жаҳонгир эса бухгалтерия ҳисоби бўлимига кирди. Ўзинг биласан-ку, дадаси уни фирмага ҳисобчи қилиб тайинлаган. Кичик ва ўрта бизнес ҳисобчиси дипломини олса, фирмасининг фаолияти янада мукаммал бўлади... Хоҳловчилар бюджет ташкилотлари ҳисобчиси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳисобчиси касбини эгаллашлари мумкин, - гага қўшилди Жаҳонгир.

- Лекин Нодиранинг танлаган касби ҳам зўр-да!

- Ҳа, мени айтайми? Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини назорати ва стандартлаш. Унда сараловчи лаборант, биохимлаборант, маҳсулот сифати-эксперти касбларини эгаллаш мумкин. Ҳозирги кунимизга жуда мос-да! Чунки бозордаги сифатсиз маҳсулотлар қанчадан-қанча инсонларнинг соғлигига ҳавф солиши мумкин. Менинг танлаган касбим эса бундай нохуш оқибатларнинг олдини олади. Амакиваччам Қахрамон «Бир ўқ билан икки куённи урадиган» бўлди. Тўғримми?

- Тўғри, мен Қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш мутахассислигини танладим. Унда қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш бўйича чилангар, электр-газ пайвандчи, тракторчи ва «В», «С» тоифадаги автомобиль ҳайдовчиси касбларини эгаллаш мумкин. Техникага қизиқишим ўқишимда қўл келади, деб умид қиламан. Ундан ташқари «ҳайдов-

олсам хунар ўрганаман. Бунинг учун коллеж раҳбарияти шароит яратибди... Қолаверса, ҳар биримизнинг орзу қилган касбимиз бир гўшада жойлашган экан.

- Яна қандай мутахассисликлар бор?

-Ўсимликшунослик фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. Бу бўлимда қуйидагича қўшимча касблар ўргатилади. узумчи, мева-сабзавоткор, пахтакор, тракторчи, «В», «С» тоифадаги автомобиль ҳайдовчиси. Қиш-

ағенти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш молия ағенти каби касбларни эгаллаш мумкин.

- Неча йил ўқийсизлар?
- Ўқиш муддати 3 йил экан.
- Имтиҳонлари қийиндир? - абитуриентларни синаш учун сўрадим.
- Ўзбек тили фанидан диктант, математика фанидан эса тест саволлари асосида имтиҳон топширамиз. Имтиҳонларга тайёргарлик кўряпмиз, - деди Нодира. - Биласизми, коллежда ҳамма қулайликлар муҳайё экан. Вилоятлардан келган ўқувчилар учун ётоқхоналар

БЕКАТДАГИ СУХБАТ



Касблар кўп хилма-хил, Мен-чи, мен ким бўламан?!

АБИТУРИЕНТ - 2000

мавжуд.
- Коллежга қайси транспортлар боради?

- Кенсой қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежимизга бориш унчалик қийин эмас. Шундоққина «Чор-Су» метроси автостанциясидан 155 - «Чор-Су - Кенсой» маршрутининг охирги бекати ёки «Юнусобод» универсами бекатидан «Универсам - Фишткўприк» автобусининг «Шўро-бозор» бекати-га борилса бас, - деди кулиб Жаҳонгир. - Узр, сўрасам майлими, сиз

мабодо журналист эмасмизсиз? Чунки майда деталларигача сўраб суриштиряписиз-да. Агар хоҳласангиз сизга коллежнинг эълонини тақдим қиламан. Бизга ўхшаган абитуриентларга ҳавола қиласиз, ие, автобус келиб қолди. Хайр, коллежга боринг, - деди-ю келган автобусга шошиб чиқиб кетишди. Мана ўша эълон:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги,
Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази,

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ сўв хўжалиги вазирлиги

Тошкент вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси Тошкент тумани қишлоқ хўжалиги касб-хунар КОЛЛЕЖИнинг

Идекси: 702015.

Транспортлар:

1. «Чор-Су» метроси автостанциясидан 155 - «Чор-Су - Кенсой» маршрутининг охирги бекати.

2. «Юнусобод» универсами бекатидан «Универсам - Фишткўприк» автобусининг «Шўро-бозор» бекати.

Орзулари ушалиш бўсағасида турган абитуриентларга ҳавас билан қараб қолар эканман, уларга омад тилайман. Агар муштарийларимиз орасида юқоридаги касб-хунарга қизиқиш уйғонган бўлса, ушбу даргоҳга борсинлар. Яхши билимга, пухта касбга эга бўладилар.

Мухаррама ПИРМАТОВА.

-Зокир ака, аввало болалик даврингиз ҳақида суҳбатлашсак. Эслай оласизми, болалиқда кўпроқ қандай фазилатларга эга бўлгансиз?

-Ҳа, эслай оламан. Болалик- бу инсоннинг энг бахтиёр онлари бўлса керак. Мен болалигимда шўх ва ўйинқароқ бўлганман. Вақтида ўйнардим, вақтида уй юмушларига қарашардим ҳам. Ҳеч қачон меҳнатдан қочмаганман. Бугун қилиш керак бўлган ишни албатта ўша куни қилишга одатланганман. «Бугунги ишни эртага қўйма» мақолига амал қилардим. Меҳнатсеварлигимдан бир куни дадам: «Ўғлим, мен ишдан келгунимча шу ишларни бажариб қўй, агар улгурсанг токни ҳам кесиб қуй», -деб топшириқ бериб кетдилар.

Мен айтган ишларини бирпасда бажардим. Қарасам дадам ишдан қайтишларига бироз вақт бор экан. Кел, дадам хурсанд бўлсинлар, дедим-да ҳовлимиздаги токнинг тагидан арралаб ташладим.

Дадам ҳам ишдан келдилар. Дастурхон атрофида ўтириб айтган ишларини ҳаммасини бажариб қўйганимни эшитиб жуда хурсанд бўлдилар, мени роса мақтадилар. Бироздан сўнг орқа тарафга ўгирилиб қарасалар, ток таг-туғи билан кесиб ташланган. Бундан даданинг жаҳллари чиқиб кетди ва ўшанда қилган «меҳнатим»га яраша эса қоларли жазоимни ҳам олганман. Мен қаердан билай токнинг ортиқча новдасини кесиб ташланишини, ахир ўша пайтда энди 5-синфда ўқирдим-да. Узум эса 3-4 йилча ҳосил бермади. Шу-шу мен маҳалламизда «боғбон» деган ном орттирганман...

Мақтабда қайси фанларга қизиқардингиз? Умуман мактаб даврингизни кўмсайсизми?

-Ҳа, албатта кўмсайман. Мен мактабда жисмоний тарбия, астрономия, инглиз тили, она тили ва тарих фанларига жуда қизиқардим. Айниқса, жисмоний тарбия дарси бўлган куни албатта мактабга келишим шарт эди. Бошқа кунлари эса дўстларим билан дарслардан қочиш ҳам турардик. Шу ўринда жисмоний тарбия дарсида бўлган бир воқеани айтиш. Бир куни турникка тортилиш бўйича мактаблараро мусобақа бўлди. 3 та мактабдан ўқувчилар қатнашишди. Улар орасида бизнинг мактабимиздан мен ҳам бор эдим. Болалар турникда ҳар хил-15, 18, энг кўпи 20 маротаба тортилди. Мен охирида иштирок этдим. 20 марта тортилганимдан сўнг, мусобақада биринчи ўринни олай деб 21-сига ҳам ҳаракат қилдим ва бир амаллаб 21 марта тортилдим кўлимни турникдан қўйиб

юбордим. Яхшиямки, турник таги юмшоқ экан...

Хуллас, мактаб даври мен учун беғуборлик даври. Инсон вақт ўтган сари болалиқни соғинаверар экан.

«Чархпалак» видеофильмида Хусан ролида ўйнашга сизни ким таклиф этган?

-«Келин-куёв» телекўрсатувида иш-

чиликни уйдагиларга етказиш учун қишлоғимга шошилдим. Уйда барча яқинлар хурсандчилигимга шерик бўлиб кутиб олишди ва қайси институтга кирганимни қизиқиб сўрашди. Мен уларга «теат-ралний» институтига кирдим десам, ўта содда қариндошлар «Ҳа, баракалла, тракторчи бўлмоқчимисан, яхши касбни танлабсан», дея мактаб кетишди. Мен эса секингина кулиб қўйдим...

-Сизнингча, актёрлик осонми ёки қизиқчилик?

-Албатта, иккаласининг ҳам ўзига яраша қийинчилиги бор. Аммо

қизиқчилик қилиш бироз қийинроқ бўлса керак. Чунки кимнингдир устидан кулиш осон, лекин уни кулдириш қийин.

Забонимни сақлагин беҳуда сўзламақдин Каломимни ҳадису қуръон билан безатгин. Бу дунёда олтин зар бермагин сен бизларга, Номимизни инсон деган ном билан безатгин.

-Энди оилангиз, устозларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

-Оилалиман. Турмуш ўртоғим Комилахон Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига инглиз тили фанидан дарс бердилар. Муҳаммаджон исмли бир ўғлимиз бор.

Энди устозларимга келсак, албатта мени озгина бўлса-да, халққа танилишимда устозларимнинг хизматлари катта. Айниқса, Тошкентга келганимда отамдек бўлиб қолган Шермат ака Ёрматов менга катта ёрдам берганлар. Институтда Шермат Хайитбоев, Исоқбой Жумановлар менга устозлик қилишган.

-Ўғлингизни келажакда санъаткор бўлишини хоҳлармидингиз?

-Йўқ. Ўғлимнинг келажакда санъаткор бўлишини хоҳламайман. Мен уни келгусида кўп тилларни билиб, дипломат бўлишини истардим.

-Қандай режаларингиз бор?

-Келгусида миллий санъатимизни янада юксалишига ҳисса қўшиш, яхши-яхши роллар ижро этиб, халқимизнинг ҳаммиша назарида бўлишни ният қилганман. Айтадилар-ку, «Яхши ният, ярим мол» деб.

-Болажонларга тилақларингиз?

-Болаларни жуда яхши кўраман. Шунинг учун кўпроқ болалар ҳаётини ўз қизиқчилигимда ифода этишга ҳаракат қиламан. Болажонлар аввало соғ бўлишсин. Беғуборлик, самимилик уларни тарқ этмасин. Доимо ота-оналарининг, устозларининг, дўстларининг, туғилиб ўсган шу Она юртининг қадрига етсинлар.

-Суҳбатингиз учун раҳмат. Наинки орзу-ниятларингиз бўлса, барчасига эришиш сизга насиб этсин.

Суҳбатдош Нигора МИРЗАМУХАМЕДОВА

БЕМАҚСАД ЯШАМАЙЛИК

Мен муаллимман, ўқувчиларга физика ва информатика фанидан сабоқ бераман. Шунингдек адабиётга, шеърятга ҳам ихлосим баланд. Қизалоғим Гулҳаё ҳам адабиётга, расм чизишга қизиқади. Сингисига уйдаги эртақ китоблардаги барча эртақларни айтиб берган. Тунов кунни қулоқ тутсам, ўзи янги эртақ тўқиб айтаяпти. Ундаги қизиқишни шакллантириш мақсадида оилавий кўриқ-танловлар ҳам ўтказиб тураимиз. Қизларим Гулҳаё ва Гулчиройлар бадий чиқишлар қилишади, қўшиқ айтиб, ифодали шеърлар ўқишади. Расм чизиб, ҳикоялар ҳам сўзлаб беришади. Дадаси иккимиз уларга ҳакамлик қилиб, чиқишларини баҳолаймиз. Мақсадимиз - фарзандларимиз фақат мактабда олган билимлари билангина чекланиб қолмай, қўшимча китоблар ўқиб, билим доираларини кенгайтира борсинлар. Зеро, биз ота-оналарнинг вазифамиз фарзандларимизни яхши едириш, чиройли, русмбон қилиб кийинтиришдангина иборат эмаслигини зинҳор унутмаслигимиз лозим. И.И.Мечников айтганидек, «Болага муносабат масаласида ўзи ахлоқан тоза бўлиши учун зарур билимларга эга бўлмоғи керак. Нодон она эса меҳру-муҳаббати қанчалик кучлигидан қатъий назар ёмон тарбиячи бўлиб қолаверади».

Ўзимнинг синф раҳбарлик фаолиятимда бир нарсага кўп бор гувоҳ бўлганман: Ота-оналар мажлиси ўтказганимда аълочи, жамоатчи ўқувчиларимнинг ота-оналари келишади-ю тўпалончи, дарсларни яхши ўзлаштиролмайдиган болаларнинг уйдагилари келишмайди. Фарзандининг тақдирига чиндан қизиққан ота-онагина комил инсонни тарбиялашга қодир, деб ўйлайман. Зеро, Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, инсон ҳаётида қолур беамзун, дея бежиз айтмаган доноларимиз.

Фотимахон БИЛОЛОВА,
Фарғона вилояти, Қувва тумани.

УСТОЗЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

Ёшлигимдан санъатга иштиёқим баланд эди. Мактабни тамомлаб, республика «Камолот» ёшлар жамғармаси қошидаги «Камолот-Мўтти» студиясининг суҳандон актёрлик бўлимига ўқишга кирдим. Ўқишлар мен ўйлагандан ҳам кўра қизиқарлироқ экан. У ерда талайгина дўстлар ҳам орттирдим. Айниқса, устозларимизни айтмайсизми? Ажойиб санъаткоримиз Хусан ака Мирпўлатов сабоқ бераётган актёрлик маҳорати дарсларида масал, монолог ва этюдларни ёд олсак, сахна нутқи дарсидан сабоқ бераётган Исоқтой акадан турли машқлар билан тилимизни чархлаб, нутқимизни равон қилиш устида ишляпмиз. Роза опа Каримова эса турли характердаги ролларни қандай ижро этиш лозимлигини ўргатаптилар.

Студиямизда яна кўшиқчилик ва телеоператорлик курслари ҳам бор. Биз ёш санъат ихлосмандларига сидқидилдан сабоқ бериб келаятган устозларимизга, шунингдек, «Камолот-Мўтти»нинг бадий раҳбари Шерали Ҳожиевга гуруҳимиз ўқувчилари номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Саидакбар МАННОНОВ.

Зокиржон Урмонов-1970 йил Андижон вилояти, Балиқчи туманининг Гулистон қишлоғида таваллуд топган. Оилада 5 фарзанднинг каттаси. Тошкентдаги Маннон Уйғур номли санъат институтини тамомлаган. 5 тилни- инглиз, ҳинд, қозок, рус ва ўзимизнинг она тилимизни мукамал билди. Севган таоми-димлама ва ош: Ёқтирган ранги-қора ҳамда бинафша ранг. Саёҳат қилишни жуда хуш кўради.

МАҲАЛЛАМИЗ «БОҒБОН»И

тирок этганимни видеофильм режиссёри Зуфар ака Раимов кўрган эканлар. Улар бир куни менга «Чархпалак» видеофильмида рол ўйнаш учун актёрлар танланилапти, шу танловда сен ҳам қатнашиб кўр, деб таклиф қилдилар. Мен ҳам жуда қизиқдим, видеофильм сценарийси билан танишиб чиқдим ва танловда 28-Хусан бўлиб қатнашдим. Наргиза эса 50-Зулҳумор, Баҳодир ака 20-Ҳасан бўлишди. Омадимиз келган экан, видеофильмда рол ўйнаш насиб этди.

-Кўпчилик Баҳодир ака билан сизни ҳаётда ҳам ака-ука экан, дейишади. Шу тўғрими?

-Йўқ, биз Баҳодир ака билан видеофильм яратилиши жараёнида танишганмиз. Ҳозир эса ҳақиқий ака-укалардек бўлиб қолганмиз. Ҳамма фақат бир-биримизга қўлимиздан келганча ёрдам бериб тураимиз. Биласизми, кўпчилик муҳлислар бизга иккалангиз ҳаётда ҳам уришиб турасизларми, деб савол беришади.

Йўқ, албатта. Биз ҳаётда ҳечам уришмаймиз. Видеофильмдаги жанжалкашлик эса беғараз уришишдир.

-Бу видеофильм сизга нима берди?

-«Чархпалак» видеофильмидан мен ака, сингил, она ва дўстлар топдим. Бундан ортиқроқ хурсандчилик бўлмаса керак.

-Билишимча, сиз асли қизиқчисиз. Қизиқчилик сизга кимдан ўтган?

-Оиламизда қизиқчилар бўлган эмас. Лекин онам маҳалламиздаги аёллар билан йиғилиб қолишганида кўпинча ҳар хил хангомалар айтиб, уларни кулдириб ўтирардилар. Менимча қизиқчилик менга ҳам онамдан ўтган бўлса керак. Асли ёшлигимдан актёр бўлишни орзу қилганман. Ҳатто 5 йил санъат институтига кираолмаганимда ҳам ниятимни ўзгартирганим йўқ. Ахийри, уйдагилар «бўлди, йиғиштир санъаткорлигингни», дейишди. Шунда ҳам сабр қилдим. Ниҳоят сабр туфайли олтинчи йил ўқишга кирдим, орзуимга етдим. Бу хурсанд-



Ўзбекистоннинг Тенгдошларини

Tengdoshingiz Davronbek Oripov Mirzo ulug'bek tumanidagi 275-maktabning 5-«A» sinfida o'qiydi. A'lo o'qish bilan birga kichik-kichik hikoya va she'rlar ham mashq qilib turadi. U yana iqtidorli o'quvchilar ko'rigi qatnashchisi hamdir. Quyida e'tiboringizga Davronbekning yozgan she'rlaridan namunalar xavola qilamiz:

KAPALAK

Kapalak, kapalak,
Jon kapalak.
Qanotlaring soz kapalak.
Tinim bilmay ucharsan
Hammaga shodlik socharsan.

Kapalak, kapalak,
Jon kapalak,
Qanotlaring charxpalak.
Bitta o'yinga tushganda,
Hammaga soz kapalak.

USTOZ

(Tojixon opaga)
Ustoz-bu ulug'dir,
Ustoz-bu hayot.
Dunyoda ikkinchi
Onadir bu zot.

Ustozni qadrlang,
Ey bolajonlar,
Ustozni avaylang,
Ey bolajonlar.

Shuning uchun ustozing
Qadriga yetgin.
Muallim so'zining
Ma'nisin bilgin.



ЎЗБЕКИСТОН КИЗИМИЗ.

Бахтдан тиниқ йўллари,
Ширин-шакар тиллари,
Нурга тўлиқ диллари,
Ўзбекистон қизимиз.
Тўмарисдир онамиз,
Ватан дея ёнамиз.
Барчин мисол ҳаммамиз,
Ўзбекистон қизимиз.

**Ойниса ЭШМУРОДОВА,
Самарқанд вилояти,
Нарпай тумани, Оқтош
шаҳридаги
59-мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.**

КИТОБИМ

Китобларни ўқисам,
Илмим ошиб боради.
Уларга бўлган меҳрим,
Доим тошиб боради.
Китоб сабаб дунёни,
Тўла-тўқис биламиз.
Ўқиш, изланиш билан,
Яшашни ўрганамиз.
Китобларни авайланг,
У - билим сарчашмаси.
Тўғри йўлга бошловчи,
Умримиз бахтномаси.

**Дилафрўз БАҲРИДДИНОВА
Навоий вилояти, Нурота
тумани, Х.Худойкулов
номли 1-гимназиянинг
5-синф ўқувчиси.**

ФАСЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қиш фасллар ичида,
Куз билан иноқ, ўрток,
Баҳор эса ёз билан,
Ёқтирмас совуқ бироқ.
Қиш айтар: «Мен кучлиман,
Аёз деган номим бор».
«Мен сендан кучлиман» дер,
Чираниб унга баҳор.
Ёз билан куз ўртада,
Турди бироз индамай.
Лекин куз тили бурро:
Менга навбат ҳадемай.
Ёзнинг жаҳли чиқади,
-Не учун тортишасиз?
Ҳаммамиз ҳам кучлимиз,
Агар тотув бўлсак биз.

**Азиза ТҲТАМУРОТОВА,
Юнус Обод туманидаги
327-мактабнинг
8-синф ўқувчиси**

БОШ МУҲАРРИР:
Умида
АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:


Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ҳотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚҶЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусхада босилди. Ҳажми 2
босма табоқ.
Буюртма - К-8202
Газетани
Абдуҳамид Абдуғафоров
саҳифалади.
Навбатчи:
Феруза ЖАЛИЛОВА

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

Тел: 144-62-34.



БҶЙИГА: 1. Узум қиёми. 2. Узунлик бир-лиги. 4. Дарахтлар билан қопланган катта майдон. 6. Босма асарнинг ҳар бир донаси. 7. Торларини бармоқ учлари, нохин билан тирнаб, чертиб чалиш. 8. Нокнинг сершира йирик нави. 11. Помидор пастаси. 12. Қора лок билан ишланган ялтироқ тери. 13. Мева ва сабзавотларни сақлаш учун сиркаланган тайёр сув. 16. Армонсиз киши. 17. Қарзга ботган корхона. 21. Бож оладиган идора. 22. Таркибий қисми нитроглицириндан иборат булган кучли портловчи модда. 23. Олчага ўхшаш дарахт. 27. Диплом устида ишлайтган талаба. 28. Пешонаси шўрнинг тишини синдирар. 31. Оловни қўзғаб турувчи таёқ. 34. Юганнинг чарм тизгини.



ЭНИГА: 3. Қушнингга сотсанг, бир учида ўзинг ўтирасан. 5. Иргитиш учун ишлатиладиган снаряд. 9. Илоннинг сувда юрувчи тури. 10. Бир мазҳабга мансуб кишилар. 14. Босма маҳсулотлари чиқарадиган корхона. 15. «Маст»ни товага солсанг бир овқат чиқади. 18. Модданинг майда бўлаги. 19. Йирик монархияли давлат. 20. Географик хариталар мажмуи. 24. Уёғи тош, буёғи тош, ўртасида саримой. 25. Органик кимё мутахассиси. 26. Устама солиқ. 29. Қарамақаршилиқ. 30. Озиқ-овқат шинавандаси. 32. Ақл-идрокли. 33. Одамсимон маймун. 35. Ўқувчи билимини синаш. 36. Одам, башар.

**Тузувчи: Шерзод ЗОЙИРОВ,
Тошкентдаги 229-мактаб ўқувчи-си**